

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 168 (10.473) / 2005 ЙИЛ 29 АВГУСТ

ЭЗГУЛИК, НАФОСАТ ВА ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

ҚАДИМ САМАРҚАНД ШАҲРИДА «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ

Муסיқа санъати — неча минг йиллар давомида инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этиб келаётган, бу ёруғ оламни яна ҳам мунаввар қилиб кўрсатадиган мўъжизадир. Айниқса, башариёт мураккаб технологиялар, глобал муаммолар, шиддаткор тараққиёт асрида яшаётган бугунги кунда руҳий юксаклик намунаси бўлган бу санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва кадр-қimmatи беихоро ортиб бораётир.

Давоми 2 - бетда.



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26-27 август кунлари Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

МАҲ: ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Қўллаб сиёсатчилар, кузатувчи ва шарҳловчилар Ҳамдўстлигининг бу галги саммитига МДХ тақдирини ҳал бўладиган урғули сифатида қараётган эди. Шарҳлар орасида мазкур тузилманинг келажагига шубҳа билан қараш ҳолатлари ҳам йўқ эмасди.

Сафар олдида журналистларга берган интервьюсида, Президент Ислам Каримов МДХдан воз кечилса, бунинг оқибати нима бўлади, деган саволга жавобан барча аъзо мамлакатлар ноқулай аҳволда қолиши мумкинлигини таъкидлади. МДХ юксак марраларни эгалламаётган, ўз олдига қўйган вазифаларнинг барчасини удаламаётган бўлса-да, унинг мавжудлиги барибир қўп афзалликларга эга. Умуман, ҳозирги замон яқка тартибдаги тараққиётни инкор этади.

Қозон саммитида бошқа аъзо мамлакатлар раҳбарлари ҳам МДХга эҳтиёж борлигини, Ҳамдўстлик интеграцияга ва кенг қўламли кўп томонлама ҳамкорлигининг мўҳим механизми сифатида хизмат қилиши мумкин эканлигини эътироф этдилар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги собиқ СССР республикалари ўртасидаги алоқаларни сақлаб қолиш ва янги асосда ривожлантириш мақсадида тузилган эди. Унинг куч ва имкониятлари кўп. Иқтисодий алоқаларнинг ўзидан бунга қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Эркин савдо зонаси МДХни интеграция юксак даражада ривожланган ҳамжамиятга айлантириши мумкин. Бир-бирига улашиб кетган транспорт тармоқлари, нефть-газ қувурлари, халқ ҳўжалигининг ўзаро бир-бирини тўлдирishi, аъзо давлатларнинг бевосита қўшилиги ва бошқа омиллар савдо-иқтисодий ҳамкорлик учун қўлай имкониятлар.

Давоми 5-бетда.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари! Азиз меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Бугун дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш гўзал ва бетакрор Самарқанд «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали иштирокчилари ва унинг меҳмонларига бағрини кенг очиб бермоқда.

Барчангизни — «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалининг муҳтарам иштирокчилари ва унинг азиз меҳмонларини чин қалбимдан нафақат Самарқанд аҳли, балки ди-

римизда яшайдиган барча миллат ва элатлар номидан, бутун халқимиз номидан «Хуш келибсиз азим Самарқандга, хуш келибсиз Ўзбекистонга!» деб қўллашга ижозат бергайсиз.

Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда сирли ва улғвор Шарқ олами намойн бўлади. Бу буюк шаҳар ўзининг икки минг етти юз йиллик шонли тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ва ўлмас руҳини, унинг меъморлик санъати, бой маданиятини ўзидан му-

жасам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Шунинг учун ҳам, мана, саккиз йилдирики, биз «Шарқ тароналари» деб ном олган, Шарқнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, классик муסיқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олжаноб мақсадга хизмат қиладиган бу анжумани айнан мана шу фусункор шаҳарда ўтказиб келмоқдамиз.

Давоми 2 - бетда.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан кишлоқ ва сув ҳўжалиги, sanoat, транспорт ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли хиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган sanoat ходими»

Тожиёв Собитжон — «В.П.Чкалов номили Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жа-

миятининг чилангари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

Коломейцев Игорь Валентинович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг учувчилар отряди командири ўринбосари

Ражабов Нўмон Омонович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 214-темир йўл машина станциясининг йўл соловчиси

Давоми 4-бетда.

XXI саҳоси
Барча маълумлардан олгингиз сўзга хабарлар

Мамлакатимизда

• Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги бағишлаб Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви томонидан эълон қилинган «Ибратли

маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» ва «Маҳалла жонқуяри» республика кўрик-танлови якунланди.

• «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашида Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида «Болалар ва хомилалар аёлларини скрининг текширувларидан ўтказишлигининг замонавий усуллари» номили республика семинари бўлиб ўтди.

• Жиззах вилоятининг сўлим «Зомин» сихатгоҳида соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Сихат-саломатлик йили» ва Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига бағишланган соҳа ходимларининг бешинчи анъанавий республика спартакиадаси ўтказилди.

Жаҳонда

• Саудия Арабистони полицияси томонидан мамлакат бўйлаб омма-

вий тозалов ўтказилди. Ушбу тадбир натижасида террор фаолиятига алоқадорликда гумон қилинаётган 41 нафар шахс қамоққа олинди.

• Париж шаҳри марказидаги 13-округда келиб чиқishi африкалик бўлган фуқаролар истиқомат қиладиган ётоқхонада кучли ёнғин чиқди. Унинг натижасида 17 киши ҳаётдан кўз юмди, 30 дан ортик одам турли даражадаги куйиш жароҳатини олди.



ЭЗГУЛИК, НАФОСАТ ВА ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ Н У Т Қ И

Давоми. Боши 1-бетда.

Қадим Регистон майдонининг ўзидан, бу ерда қад ростлаган муҳташам обидаларнинг мовий гумбаз пештоқларидан худдики мумтоз муסיқа овози эшитилиб тургандек ҳиссиёт туғилади. Бу садолар мана шу музаззам масканга қаддам қўйган ҳар қайси инсонга бамисоли тарихнинг сеҳрли саҳифаларини очиб бериб, эзгуликка, тинчлик ва осудаликка чорлаб тургандек туюлади.

Азиз дўстлар!
Буғун биз ўта таҳликали ва мураккаб бир замонда яшамокдамиз. Ҳеч шубҳасиз, айни мана шундай нотинч бир даврда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, уларни ўзаро яқинлаштиришга хизмат қиладиган, инсониятнинг муштарак ва бебаҳо бойлиги бўлган муסיқа санъатининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Бу ёруғ оламда тили, дини ва урф-одати турлича бўлган юзлаб миллат ва элатлар яшайди, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган қудратли бир восита борки, уни бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди: бу — муסיқа, бу — оҳанг, бу — тарона.

Ҳеч кимга сир эмас: дунёнинг қайси жойида яшамасин, барча халқлар ўз остонасига соз кўтариб келган одамни азиз меҳмон сифатида қабул қилади. Буғун биз ҳам сизларни — ўзимизнинг азиз меҳмонларимизни дунёнинг яқин ва узок жойларида истиқомат қилаётган халқларнинг маънавий ва маданий руҳини муסיқа воситалари орқали ифодаловчи, уларнинг саломи ва самимий тилакларини етказувчи тинчлик ва дўстлик элчилари деб қабул қиламиз ва қадрлаймиз.

Қани эди, дунёда урушлар, портлашлар, қарама-қаршиликлар барҳам топса, кишилар ўртасидаги низо-адovatлар йўқолса ва замин узра фақат гўзал муסיқа садолари янграб, одамзодни ёмон йўлдан қайтариб, эзгуликка давват этса!

Бундай фикр ер юзидаги соф ниятли барча инсонлар, бутун борлигини олижаноб мақсадларга бағишлаган сиз каби минг-минглаб санъат аҳли намояндalарни қалбидagi орзу-интилишларнинг яққол ифодаси, десам, уйлайманки, янглишмаган бўламан.

Фестиваль доирасида ҳар бир қатнашчи ўз халқининг миллий муסיқа меросини, ўзининг худо берган истеъдоди ва маҳоратини намоён қилишга, ижодий беллашувларда юқори ўрин ва муқофотларни эгаллашга ҳаракат қилиши табиий, албатта.

Менга буорса, барчангизни бағримга босиб, сизларга энг юксак, энг катта муқофотимизни — кўнгил бойлигимиз, қалб саховатимизни берган бўлардим. Имкониятдан фойдаланиб, халқимизнинг, биз сизларни юртимизда қуришдан, ноёб санъатингиздан баҳраманд бўлишдан бахтиёримиз, доимо азиз меҳмонимиз бўлинг, деган самимий дил изҳорини сизларга билдирмоқчиман.

Анжуман кунарида сизлар Самарқанднинг бетакрор табиати, қўна ва ҳаммиса навқирон қиёфаси, тенгсиз меъморий ёдгорликлари билан танишар экансиз, меҳмонга қалбини очиб, меҳрини берадиган Самарқанд аҳли билан мулоқотда бўлиб, афсонавий Шарқ тимсоли бўлиш Самарқанд бозорларини кўриб, ўхшаши йўқ бу гўзал шаҳарга, Ўзбекистон заминига мафтун бўлиб қоласиз, деб ишонманам.

Фурсатдан фойдаланиб, «Шарқ тароналари» муסיқа фестивалининг жонқуярларидан бўлган ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Халқаро муסיқа кенгаши раҳбарларига ушбу анжумани ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдирман.

Қимматли вақтини анмай, буғунги фестивал ишида яқиндан иштирок этаётган, ЮНЕСКО Бош конференциясининг президенти Майкл Омелева жанобларига, жаҳондаги муסיқа оламида юксак ном ва обрў қозонган севимли санъаткорларимизга, шу жумладан, Франциядан Самарқандга ташриф буюрган Шарль Азнавур жанобларига алоҳида ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Сизларни анъанавий муסיқа анжуманининг очилиши билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сўхат-саломатлик, фестивал ишига муваффақият тилайман.

Шарқ муסיқаси, Шарқнинг ҳаётбахш оҳанглари одамзодни ҳаммиса эзгулик ва адолат, гўзаллик ва нафосатга чорлайверсин!
Этиборингиз учун ташаккур.

Давоми. Боши 1-бетда.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори муסיқа санъати ривожига ҳам алоҳида этибор қаратилмоқда. 1997 йилдан буён Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бугунги кунда Шарқ маданиятининг гавҳару дурдоналари бўлиш ўлмас муסיқа асарларини бутун оламга янада кенгрок танитиш, мумтоз тароналардан нафосат шайдоларини баҳраманд қилиш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш борасида ушбу муסיқа анжуманининг ўрни ва аҳамияти бекиёс.

Мазкур халқаро муסיқа фестивалида иштирок этиш учун 2005 йил 27 август куни Самарқандга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, аввало, шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари шаҳарнинг Алишер Навоий номидаги кўчасида қад ростлаган янги ва реконструкция қилинган биноларни, «Шарқ юлдузи» кинотеатрини бориб кўрди.

Самарқанд шароитида қандай дараклар экиш маққул эканига алоҳида этибор қаратиш даркор, — деди Президентимиз Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан. — Даракларни танлаб экиш, меҳр-муҳаббат билан парваришlash лозим. Истироҳат боғида одамларнинг дилини яйратиб, кайфиятини хушлайдиган манзара яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Боғда буюк бобомиз Алишер Навоий хайкалининг қад ростлагани Самарқанд аҳлининг улуг шоири ва мутафаккирга юксак эҳтиромининг ифодасидир, — деб таъкидлади Ислам Каримов.

... Самарқанд, Регистон майдони. Соат 19.00. Жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири, турли маданиятлар туташган бу фусункор шаҳар майдонидаги улкан амфитеатр анъанавий халқаро муסיқа фестивалининг тантанали очилиш маросимига йиғилган томошбинлар билан тўлган. Улар орасида Осиё, Африка, Европа, Америка ва Австралия қитъаларидан меҳмонлар — муסיқашунос олимлар, муסיқа мухлислари, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ва сайёҳлар бор.

Анжуман аҳли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни қарсақлар билан қутиб оладилар.

Регистон узра қарнай-сурнай, ноғора садолари таралади. Муҳташам саҳнага фестивал қатнашчилари — Ўзбекистон, Афғонистон, Арманистон, Австрия, Озарбойжон, Бангладеш, Беларусь, Бельгия, Россия, Хитой, Коста-Рика, Доминикан Республикаси, Миср, Эстония, Франция, Грузия, Германия, Греция, Гвинея, Италия, Исландия, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Исроил, Япония, Қозоғистон, Жанубий Корея, Кувайт, Қирғизистон, Малайзия, Молдова, Мўғулистон, Марокаш, Намибия, Непал, Нигерия, Норвегия, Покистон, Фаластин, Филиппин, Саудия Арабистони, Испания, Тожикистон, Туркия, Украина, Буюк Бри-



тания, АҚШ санъаткорлари кириб келадилар.

Майдон узра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳисни янграйди.

Сўз Президент Ислам Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини қутлар экан, уларнинг башарият тафаккурининг буюк хазинаси, инсоний ва маънавий камолот рамзи бўлган муסיқа санъатини бутун дунёда тарғиб қилиш, одамларни нафосат ва гўзалликка ошно этишдек олижаноб фаолиятида янги ютуқлар, анжуман ишига муваффақият тилади.

Маросимда ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Майкл Омелева фестивал меҳмони — франциялик машҳур санъаткор Шарль Азнавур, «Шарқ тароналари» бешичи халқаро муסיқа фестивали ҳайъати раиси Таг Ги О (Корея Республикаси) Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анъанавий фестивал қисқа даврда жаҳондаги нуфузли муסיқа анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллагани, наники Шарқ, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар санъат намояндalари ва ихломандларини ўзига кенг жалб этаётганини таъкидлади.

Фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларини муайян муסיқий мавзуга бағишlash яхши анъанга айланган. Бу галги очилиш маросимининг асосий гоёяси буюк шоири ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодига бағишланди. Навоий газаллари билан айтиладиган миллий мумтоз ашулаларга кенг ўрин берилди.

Улғубек, Тиллақори ва Шердор мадрасаларини туташтириб турган музаззам майдондаги театрлаштирилган томошалар халқаро муסיқа анжумани иштирокчилари ва меҳмонларига катта таассурот қолдирди.

Бир неча кун давомида Регистон майдонида, шунингдек, бутун шаҳар бўйлаб ташкил этиладиган санъаткорлар чиқишлари халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик, чин инсоний фазилатларни улуғлашга, юртимизнинг, жумладан, Самарқанд шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини, умумбашарий маданият ривожига қўйган улкан ҳиссасини, бой муסיқий меросимизни кенг намоён этишга хизмат қилади.

Халқаро муסיқа фестивалининг тантанали очилиш маросими сунъий йўлдош орқали кўплаб хорижий мамлакатларга олиб кўрсатилди.

Ғулom МИРЗО,
Ақбар ҚАРШИЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **БУГУН** Сергели туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан туман фаоллари хотин-қизлар кўмиталари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ма-

салалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида «Мустақиллик ва аёл» мавзусида ўтказилган тадбир юртимиз Истиклолининг 14 йиллигига бағишланди.

● **ЎТГАН** кун 31-Меҳрибонлик уйида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлиmlари ҳамкорликларида «Мустақиллик — олий неъмат» мавзусида тадбир ўтказилди.

● **СЕРГЕЛИ** туман Давлат солиқ инспекциясида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилган тадбир «Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий

ютуғидир» деб номланди.

● **БУГУН** «Хуросон» маҳалласида «Камолот» ЕИХ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Истиқболимиз тимсоллари» деб номланди.

● **БУГУН** Миробод туман ҳокимлигида «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган семинарда мактабларнинг директорлари иштирок этишди.

● **БУГУН** «Камолот» ЕИХ Шайхонтоҳур туман Кенгашида «Дунё ва биз» мавзусида ўтказилган семинар тренинг Жанубий Кореянинг АНАК ёшлар ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** «Гулбозор» маҳалласида «Маҳалла умидлари» маркази томонидан ишлаб чиқилган «Эски шаҳар» акциясига мувофиқ ўтказилган семинар «Сиз маҳаллангиз тарихини биласизми?» деб номланди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалласида «Маҳалла» жағфармаси ҳамда «Камолот» ЕИХ туман бўлиmlари ҳамкорликларида кам таъминланган оилалар аъзолари иштирокида хайрия тадбири уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2005 йил 26 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
учинчи ялпи мажлиси бўлди.

Мажлиса Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тасдиқланган кун тартибига мувофиқ, Сенат учинчи ялпи мажлисининг иши Қашқадарё вилоятидан сайланган бир гуруҳ сенаторларнинг Хонобод шаҳарчаси яқинидаги аэродромда жойлашган АҚШ қуроли кучлари контингентини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан мурожаатномасини кўриб чиқишдан бошланди.

Бу масала муҳокамасида сенаторлардан Н.Зайниев, С.Сафоев, Э.Воҳидов, М.Рустамбоев, А.Адилов, Ҳ.Ортиқбоева, П.Зиётов, М.Болтабоева, Б.Йўлдошев, Р.Валиева, В.Кучеров, С.Одильжонбаева, А.Султонов, Б.Убайдуллаев, В.Пак ва Ё.Фаттоев сўзга чиқдилар. Улар шуни таъкидладиларки, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентига Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ҳукуматлари томонидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимга мувофиқ, халқаро терроризмга қарши кураш бўйича антитеррор коалиция доирасида Афғонистон ҳудудида фақат жанговар ҳаракатлар амалга оширилгани даврида қидирув-қутқарув тадбирлари ҳамда гуманитар ёрдам операциялари ўтказиш учун «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш имкони берилган эди. Ўзбекистон тарафининг бу қадими, сенаторлар қайд этганидек, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликка бўлаётган таҳдидларга қарши курашга, Ўзбекистон чегараларига, аҳолисининг хавфсизлиги ва осойишталигига бевосита таҳдид солаётган қўшни Афғонистон ҳудудида жойлашган халқаро терроризм базалари ва полигонларини йўқотиш ишига ўз улушини қўшишга бўлган интилиш тақозоси эди. Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдид манбаларига қарши курашда халқаро ҳамжамиятнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бундай даражасида қарорни жамоатчилигининг кенг эътирофига сазовор бўлди.

Сенаторлар шуни таъкидлаб ўтдиларки, Афғонистон ҳудудида фаол жанговар ҳаракатлар тугалланганлиги муносабати билан АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг «Хонобод» аэродромидан фойдаланиши ўз мазмун-моҳиятини йўқотди. Шу билан бирга, Ўзбекистон томони Битим бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўла-тўқис адо этганини ҳам сенаторлар томонидан айтиб ўтилди. Айни вақтда Америка томони инфратузилмани барпо этиш, объектни муҳофаза қилиш, атроф

муҳитга, аэродром яқинида яшаётган аҳолига етказилган талафот ва зарарларнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ ҳеч қандай моддий ҳаражатлар қилгани йўқ. Шу муносабат билан Хонобод шаҳарчаси, Қарши шаҳри ва умуман Қашқадарё вилоятида яшовчи фуқаролардан «Хонобод» аэродромининг АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини томонидан фойдаланиши тўғрисидаги салбий таъсир кўрсатаётганидан, бу жойда яшаётганларга анчагина моддий зарар етказаяётганидан, америкалик аскарлар келгунга қадар бу ерда аҳоли фойдаланиб келган шароитлар сезиларли даражада ёмонлашганлигидан мунтазам равишда қўлга олиш шикоят ва аризалар тушмоқда.

Ана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон томони «Хонобод» аэродромда турган америкалик ҳарбий хизматчиларнинг мақоми ва уларнинг бундан кейин бу ерда бўлиши тўғрисидаги масалани 2002 йилнинг охиридан бошлаб АҚШ вакиллари олдига бир неча бор кўйди. Ўзбекистон томони музокараларда жаҳондаги энг ривожланган давлат - АҚШ билан муносабатларни узиш мақсадини қўймаганлиги, балки ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, иккала мамлакат ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга интиланганлиги сенаторлар томонидан таъкидланди. Бундан ташқари, мазкур масалани муҳокама этиш вақтида шу нарсага ургу берилдики, Битим амал қилишининг тугатилиши минтақада хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Марказий Осиё ҳудудида ҳарбий базалар ўрна кам бўлса, бу ерда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига қўшилган ҳисса шунча салмоқли бўлади, деб айтилди.

Муҳокама юнълари асосида Олий Мажлиси Сенати АҚШ қуроли кучлари контингентини «Хонобод» (Қарши) аэродромидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан Баёнот қабул қилди.

Сўзга чиққанлар, ушбу масала юзасидан қарор қабул қилинганлиги, Сенат Қонунчилик палатасидан келиб тушган қонунлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қиладиган орган бўлибгина қолмай, балки мамлакатни ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг муҳим масалалари юзасидан қарорлар ҳам қабул қиладиган орган эканлигини яна бир бор намоён этди, деб таъкидладилар.

Айни шу сабабли «Хонобод»-га доир масала муҳокамаси чоғида сенаторлар Андижон воқеалари юзасидан ўзларининг принципиал позицияларини билдириб ўтдилар. Бу фожеали воқеаларни сенаторлар бузғунчи кучларнинг, шу жумладан, мамлакатимиз сарҳадларидан ташқаридаги шундай кучларнинг Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий

вазаятни издан чиқаришга, унинг конституциявий тузуми асосларига, мустақил сиёсатига путур етказишга, мамлакатимизни ўзи танлаган дунёвий демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан огдиришга уриниш деб баҳоладилар. Мамлакатимиз шаънига доғ тушириш, унинг халқаро обрў-эътиборига зарар етказишга қаратилган чинакам ахборот уруши эълон қилинди. Сенаторлар шу муносабат билан мамлакат раҳбариятининг Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш, хавфсизликни таъминлаш, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб туриш, Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя этиш йўлидаги қатъий ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватладилар.

Сўзга чиққанлар Сенат Кенгашининг 19 августда Қонунчилик палатаси раҳбарияти, кўмита ва фракция раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан депутатлар ва сенаторлар фаолиятига берилган танқидий баҳони адолатли ва асосли деб эътироф этдилар. Мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, барча сенаторлар ва депутатлар танқиддан тўғри хулоса чиқариб олишлари, давлатимизнинг ташқи ва ички сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда юксак масъулият кўрсатиб, ўз салоҳиятларини тўла-тўқис рўёбга чиқаришлари, ўзлари билдирилган юксак халқ ишончини оқлаш учун мамлакат миллий манфаатини қўллаб, бор куч ва имкониятларини сафарбар этишлари зарур.

Сенат мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўриб чиқилди ва маъқулланди. Қабул қилинган қонунлар ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришда катта аҳамият касб этди.

Давоми 5-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕНАТИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикасининг Сенати Ўзбекистон Ҳукумати билан АҚШ Ҳукумати номидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимга мувофиқ АҚШга бериб турилган «Хонобод» (Қарши) аэродромидан мамлакатнинг фойдаланиши мuddатлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиб қўйидагиларни таъкидлайди.

Мазкур Битим, унинг 2 ва 18-моддаларида таъкидланганидек, АҚШ Ҳукумати халқаро терроризмга қарши кураш бўйича антитеррор коалиция доирасида АҚШнинг Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар ўтказиши даврида қидирув-қутқарув тадбирлари ҳамда гуманитар ёрдам кўрсатиш операциялари учун «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш имкони берилган эди. Ва бир неча бор таъкидлаб ўтилганидек, Битим амал қилишининг дастлабки мuddати бир йилни ташкил этган бўлиб, у тарафлардан бири битимнинг амал қилишини тугатиш ҳақида 180 кун олдин ёзма равишда хабардор этмагунга қадар ўз кучини сақлаб қолишда давом этиб келган.

Битимнинг имзоланиши антитеррор коалиция иштирокисини сифатида Ўзбекистон тарафининг тинчликка ва умуман Марказий Осиё минтақасидаги

барқарорликка бўлаётган таҳдидларга қарши курашга ва, биринчи навбатда, Ўзбекистон чегараларига, аҳолисининг хавфсизлиги ва осойишталигига бевосита таҳдид солаётган қўшни Афғонистон ҳудудида халқаро терроризм кучларининг базалари ва полигонларини йўқотиш ишига ўз улушини қўшишга бўлган интилишининг тақозоси эди.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати Америка контингентининг «Хонобод» аэродромидан ҳудудидан бўлиши тўғрисидаги Битим аввал бошданок АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Афғонистон ҳудудидан толибон тузумига ва халқаро терроризм кучларига қарши фаол жанговар операциялар ўтказиши билан боғлиқ эканлигини ҳамда бу жанговар операциялар тугалланганидан кейин «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш ўз мазмун-моҳиятини йўқотаётганлигини таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоб-

лайди.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати шуни таъкидлайдики, Ўзбекистон тарафи Битим бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни тўла-тўқис адо этди. Айни бир вақтда Америка тарафидан, Америка контингентининг шахсий таркиби жойлашиб олишга доир ҳаражатларни истисно этганда, зарур ер усти ва ҳаво инфратузилмасини барпо этиш, муҳофаза қилиш, парвозларни амалга ошириш, аэродром яқинида яшовчи аҳолига ва атроф муҳитга етказилган талафот ва зарарларнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ ҳеч қандай моддий ҳаражатлар қилинганлиги йўқ.

Бугунги кунда Афғонистондаги ҳақиқий вазиятнинг ҳолисона таҳлили шундан далolat берадики, айрим минтақаларда, энг аввало Афғонистон жанубида сақланиб турган кескинлик би-

лан бир қаторда умуман мамлакатда халқаро ҳамжамият кўмағида Афғонистонни тиклаш, ҳокимият ҳамда мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмаларни шакллантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш жараёни қадам-бақадам бормоқда.

Афғонистондаги уруш ҳамда кенг қўламдаги жанговар операциялар ўтказиш даври, АҚШда ва Европада расмий шахслар томонидан берилган баёнотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг материаллари далolat бераётганидек, умуман олганда яқун топди.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, «Хонобод» аэродром юзасидан тузилган мазкур Битимда Ўзбекистон Ҳукумати номидан зиммага олинган мажбуриятларнинг амалда бўлишини тугатиш тўғрисидаги масалани Ўзбекистон тарафи суверен давлат сифатида ўртага қўйганлиги ҳуқуқий жиҳатдан батамом асослидир.

Ўзбекистон Республикасининг Сенати «Хонобод» аэродром юзасидан 2001 йил 7 октябрда имзоланган Битимнинг амал қилишини давом эттириш учун ҳеч бир асос кўрмапти ва Америка контингентининг бу аэродромда бўлишини тугаллашга доир белги-ланган барча тартибларини амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Давоми. Боши 1-бетда.

Самарали меҳнати ва эришган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий кудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-хурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:

«Эл-юрт хурмати» ордени билан

Шоабдурахимов Шоиноят — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили

Мамлакатимизнинг иқтисодий кудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидоийлик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Юсупов Абдулла Агазамович — «Кўприкқуриштирести» давлат унитар корхонасининг 13-отряди бошлиғи

Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотланди:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Абдуллаева Шарбат Зулқорновна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси

Обидов Босит Козимович — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг техник директори

Адилматов Дехқонбой Адилматович — «Ўзпахтамаш» акциядорлик жамиятининг чилангари
Иброҳимов Фулқожон Иномович — «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Иминов Бахтиёр Мирзажонович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси

Нишонов Юсибжон Нишоневич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

Парпиев Ботир Раҳматович — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

Собиров Илғизар Матқубович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Ҳакимов Хондамир Маъруфович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

Чоршанбиев Жума Чоршанбиевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси

Йўлдошев Аскар Кўчқорович — «Тошкентметрополитени» давлат унитар корхонаси «Ўзбекистон» электродепосининг машинисти

Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ҳамжихатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узок йиллик фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:

«Дўстлик» ордени билан

Алиева Зухра Кавлановна — Юнусобод туманидаги «Асбобсоз» очиқ акциядорлик жамиятининг ишчиси

Бобомуродова Анора Ёвқочиевна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

Жумабоев Атхам Саҳиевич — Шайхонтоҳур тумани ҳокими

Иброҳимов Хайрулла Файзуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси котиби

Иномов Раҳмат Нигматович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи ўринбосари

Кеченов Сергей Иванович — «Ўзавтоўл» давлат акциядорлик компанияси «Автомагистрал» автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси бошқаруви раиси ўринбосари

Ким Андрей Петрович — Бектемир туманидаги «Сувмаш» заводи очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи

Нисёзова Жамила Абдуқодирова — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси

Сокольский Игорь Иванович — «В.П.Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи

Тўйчибоев Эшпўлат Тўйчибоевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

Турсуналиев Рўзи — «Маҳалла» жамғармасининг Яққасарой тумани бўлими раиси

Усмонов Баван Ҳакимович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

Ҳакимов Бахтиёр — Собир Раҳимов тумани ҳокими

Шахияев Нурғали Таубаевич — «Ўзбеккимё-маш» заводи очиқ акциядорлик жамиятининг чилангар-йиғувчиси

Эбулусов Ферид — «Ўзпахтасаноат» уюшмаси бўлими бошлиғи

Яковлев Алексей Александрович — «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятининг созловчиси

Кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўғит-насихатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган қуйидаги юз ёшдан ошган табарруқ отахон ва онахонлар мукофотланди:

«Шухрат» медали билан

Эгамбердиева Зарапат — Собир Раҳимов тумани

Жисмоний ногиронлигига қарамасдан қийинчилик ва тўсиқларни мардондор енгиб, ўзининг азму шижоати, мустаҳкам иродаси ва фидоийлик фазилатларини намойиш этган ҳамда ёш авлод тарбияси, юрт тинчлиги ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидаги ватандошларимиз мукофотланди:

«Жасорат» медали билан

Аббосхонов Рихсибой Абдилазизович — Ўзбекистон Республикаси Кўзи ожизлар босмахонасининг Брайл системаси бўйича ҳарф терувчиси

Абдукаримова Малика Қиличевна — «Меҳрақадим» ногирон спортчилар уюшмаси раиси

Жамолова Моҳиробону Зайниевна — Сирғали тумани марказий маслаҳат- ташхис поликлиникасининг болалар кардиоревматологи

Жўраев Пўлат — Тошкент шаҳар Карлар спорт ассоциациясининг юнон-рум ва эркин кураш бўйича беш мураббийси

Ражапов Бахтиёр Мелиевич — «Матонат» футбол командасининг футболчиси

Ўзларининг тadbиркорлик ва ишбилармонлик фазилатларини намойиш қилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, ислохотларнинг изчиллиги ва самардорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, аҳолининг тинчлик ва осойишталигини муҳофаза этишда фаол қатнашаётган қуйидагилар мукофотланди:

«Шухрат» медали билан

Абдуллаева Васила Тоҳирова — «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш марказининг етакчи мутахассиси

Абдуллаев Хотам Қобулжонович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 203-тажриба йўл машина станцияси бригадари

Орипов Набижон Маруфович — «Кўприкқуриштирести» трестининг 67-Кўприк-қурилиш отряди монтажчиси

Ахтемова Софья Мухтаровна — «Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг бўёқчиси

Ашуров Тоҳиржон Тилавуқович — «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг «Ониск» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Боботов Остонакул Чориевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-темир йўл машина станцияси корхонаси

йўл устаси

Верещагина Римма Раҳматуллаевна — Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши девони ижтимоий суғурта бўлими мудирининг ўринбосари

Ғаниев Муратбой Шимбергенович — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Дадамухамедов Абдувоҳид Парахович — «12-трест» акциядорлик жамияти 2-механизациялашган кўчма колоннасининг бош муҳандиси

Жумаяв Лилия Маҳмудовна — Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг лойиҳа бош илмий ходими

Иброҳимова Саняя Шамуратовна — Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг «Картография» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори

Ирденова Лилия Маҳмудовна — Ҳамза туманидаги «Намунали хизмат» уй-жой мулкдорлари шirkати раиси

Камолов Юнус Каримович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали «JBIC» лойиҳасини кузатиб бориш хизмати бошлиғи

Қоратоев Бахтиёр Раҳимович — «2-Автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

Қушвуд Ольга Николаевна — «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси Маркетинг тadbиркорлари ва сифат бошқармасининг бош метрологи

Мўминов Хайрулла — Собир Раҳимов туманидаги «Чигато-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Муратова Елена Юрьевна — «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик жамиятининг бош иқтисодчиси

Наюк Владимир Иванович — Чилонзор туманидаги «8-темир-бетон буюмлари заводи» акциядорлик жамиятининг чилангари

Нилматов Икром Хожиматович — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзгидромет» маркази автохўжалигининг моддий-техника таъминоти хизмати бошлиғи

Нуров Жумабой Сатторович — «Соғлом авлод учун» халқроа хайрия жамғармасининг бўлим бошлиғи

Расулова Мухаррам Нурматовна — Собир Раҳимов туманидаги «Ачаобод» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Рафиқова Мамлакат Қосимовна — Собир Раҳимов туманидаги «Бош кийимлар фабрикаси» масъулияти чекланган жамиятининг тикувчиси

Рустамов Дилшод Анварович — «Ромикон-Сервис» масъулияти чекланган жамиятининг техника воситаларини таъмирлаш бригадаси бошлиғи

Сайдалиев Жамшиддин Абдуғаппорович — Халқ санъати усталари «Устазода» корхонасининг миниатюрчи рассоми, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши аъзоси

Сайфутдинов Машрух Ғиёсович — Мирзо Улughбек туманидаги «Халқ хизматида» уй-жой мулкдорлари шirkати раиси

Саримсоқов Жўрабой Қосимович — «Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести» акциядорлик жамиятининг устаси

Снегирева Любовь Васильевна — «Подъёмник» акциядорлик жамияти механика цехининг устаси

Султангирова Зигиния Қасимовна — «Тошкент лак-бўёқ заводи» акциядорлик жамиятининг аппаратчиси

Сызранцева Людмила Михайловна — «VISO» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонасининг модельери

Темирходжаев Анвар Пўлатович — «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Махсус ва лицензия бериш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Тўлаганов Амонжон Зиёевич — Республика «Нуроний» жамғармасининг корхоналар ва тadbиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси

Уркинбоев Йўлдош Қулмуҳанович — «Тошсиккуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси Учтепа тумани бошқармасининг электргазпайвандловчиси

Хошимов Равшан Қаҳорович — «Наврўз» савдо-ишлаб чиқариш мажмуасининг ошпази

Хўжаева Муборақхон — Яққасарой туманидаги «Қушбеги-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари шirkати раиси

Шигильчева Ирина Алексеевна — «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш бошқармаси бошлиғи

Шодмонова Фарида Жалиловна — Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бўлим бошлиғи

Юнусов Жаҳод Маҳмудалиевич — «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг инвестиция ва ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Давоми. Боши 3-бетда.

Сенат айна вақтда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 160-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»-ги, «Й-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунчилик палатаси томонидан киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунларини, фуқаролик-процессуал ҳуқуқий нормаларни, шунингдек маъмурий ва жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни тузишда камчиликлар борлиги сабабли рад қилди.

Қонунларни рад қилиш механизмининг қўлланилиши, асосий мақсади қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини яхшилаш бўлган икки палатали парламентни тузиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг ташаббуси тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Шу билан Сенат мажлисининг биринчи иш куни ниҳоясига етди.

Тошкентда 27 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди. Мажлисининг иккинчи иш куни «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда маъқуллаш учун Сенатга юборилган Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокамасидан бошланди. Бу Қонун юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси, сенатор А.Алтиев қўмита ҳулосасини баён этди. Сенаторлар В.Кучеров, Е.Одилов ва бошқалар ўз фикрларини билдирди. Сўзга чиққан сенаторлар хусусан мазкур қонун тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш, инвестицияларни жалб этишининг самарали ҳуқуқий механизмларини барпо этиш йўлидаги гов-тўсиқларни бартараф қилишга, иқтисодий, ижтимоий соҳа ва давлат ҳаётий фаолиятининг бошқа соҳалари барқарор ривожлантирилишини таъминлашнинг парламент палаталарининг шу йил январда ўтган қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан илгари сурилган вазифаларини ҳал этишга қаратилганлигини таъкидлаб, бу қонун чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қўлай шарт-шароит яратади, корхоналар томонидан узоқ муддатли кредитларни ҳуқуқат кафолатларисиз жалб этилишини рағбатлантиради, чет эллик шериклар билан алоқаларни кенгайтиришга ёрдам беради деб таъкидладилар. Қонун қўшма корхоналар янада кўпайиб, уларнинг самарадорлиги ошиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонун тартибига мувофиқ сенаторлар «Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тартибига солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан сенаторлардан А.Алтиев, Э.Каримов, А.Нарзуллаев ўз фикрини билдирди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ва кенгайтиришга қаратилган қонун юқори палата аъзолари томонидан маъқуллади.

Парламент юқори палатаси аъзолари «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан сўзга чиққан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Б.Иминов, сенаторлардан П.Маъдиев, Қ.Санақулов, Р.Жуманиёзов мазкур

қонунда қатор ноаниқликларга йўл қўйилганлигини, қонунчилик техникаси қоидалари бузилганлигини таъкидлади. Хусусан қонунда шаҳар ташкил этувчи корхоналарнинг судга қадар санациясининг белгиланган муддатлари юзасидан чеклашларни олиб ташлаш мўлжалланмоқда. Қонуннинг бу тахрирда амалиётда қўлланилиши корхоналарнинг иқтисодий қобилиятлигини тиклашга олиб келмайди. Аксинча у билан ҳамкорлик қилаётган ташкилотларни ҳам банкротлик йўлига чиқариб қўяди. Олий Мажлис муҳокамасига қонун лойиҳасини киритган Вазирлар Маҳкамасининг тақлифлари кўйи палата томонидан қонун моддаларини тузишда инobatга олинмаган. Шу муносабат билан мазкур қонуннинг рад этишга ва палаталар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш учун келишув комиссияси тузишга қарор қилинди. Сенаторлар қонунларни рад этиш механизми қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини яхшилашга қаратилганлигини таъкидлади.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати билан Покистон Ислам Республикаси Ҳуқумати ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни (Тошкент, 2005 йил 6 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам маъқуллади. Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан А.Орипов, А.Ҳакимов Қонуннинг қабул қилиниши бу мамлакат билан муносабатларни чуқурлаштиришга ёрдам беради ва Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик соҳасидаги манфаатларига жавоб беради, деб таъкидлади.

Сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани (Пекин, 2005 йил 25 май) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини маъқуллади. Мазкур қонунни муҳокама қилишда иштирок этган Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг раиси С.Сафоев, сенаторлардан Н.Файзиев, Х.Муҳамедов таъкидлаганидек, Хитой Халқ Республикаси билан самарали ҳамкорлик узоқ муддатли асосда йилдан йилга тобора жадал ривожланиб бораётир. Бу ҳамкорлик савдо-иқтисодий, молиявий, инвестиция ва бошқа соҳаларни камраб олмоқда. Ўзбекистон билан Хитой сиёсий ва ҳарбий-техника соҳасида ҳам ўзаро яқин ҳамкорлик қилмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг миллий хавфсизлик соҳасидаги манфаатларига жавоб беради ва ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини янада кенгайтиради.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди тартибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Сенат зўига давлатимиз раҳбари томонидан берилган баъзи ваколатларни, хусусан мансабдор шахсларни вазифасига тайинлаш ваколатларини амалга оширишга киришди. Сенат қарорлари билан Ўзбекистоннинг Афғонистон Ислам Республикасидаги ва Туркия Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари тайинланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ялпи мажлис Котибиятининг ахборотида Сенат мажлисининг икки кунлик иши мобайнида ўн битта қонун кўриб чиқилганлиги, улардан учтаси рад этилганлиги айтилди. Музокараларда 52 нафар сенатор, шу жумладан АҚШ қуроли кучлари контингентини «Хонобод» (Қарши) аэродромидан олиб чиқиб билан боғлиқ масала юзасидан Қашқадар вилоятидан сайланган бир гуруҳ сенаторларнинг мурожаатномаси кўриб чиқилган 26 август куни муҳокамада 19 нафар сенатор иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини тугатди.

(ЎЗА)

МАҲ:

ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Мутахассислар глобаллашув жараёни тобора фаоллашаётган ҳозирги кунда иқтисодий бўҳронларга, жаҳон иқтисодийётидаги силкинишларга тайёр туриш учун ҳам интеграцияни кучайтирмоқ лозимлигини таъкидлашади. 279 миллион киши яшайдиган МДҲга жаҳон саноати салоҳиятининг 10 фоизи, дунёда аниқланган табиий захираларнинг 25 фоизи тўғри келади. Қолаверса, сўнгги йилларда Ҳамдўстликнинг қатор мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсиш кузатилмоқда. Ҳисоб-ки-тобларга кўра, 2004 йилда МДҲда ялпи миллий маҳсулот ўсиши ўртача 8 фоизни ташкил этган. Муқояса учун Европа давлатларида ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиши ўртача 3-4 фоиздан ошмаётганини айтиб ўтиш мумкин. Эътироф этиш керак, бу рақамлар катта имкониятлардан далolat.

Хавфсизлик масаласида ҳам МДҲ доирасидаги ҳамкорлик долзарблигича қолмоқда. Террорчилик, экстремизм ва айирмачиликка, нарқобизнес ва уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ва ғайриқонуний муҳожирликка қарши курашда Ҳамдўстлик мамлакатлари четдан ёрдам кутиши ўринли эмас. Шу билан бирга, ўзаро мувофиқлаштирилган, мустаҳкам ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларсиз таҳдидларнинг олдини олиш гоаят мушкул. Бу хусусда Президент Ислам Каримовнинг Ҳамдўстлик давлатларида террорчилар ва экстремистик ташкилотларнинг рўйхатини тузиш, шу тариха уларнинг МДҲ худудида фаолият кўрсатиши ва ҳаракатланишига тўсиқ қўйиш борасидаги тақлифини аъзо давлатлар қўллаб-қувватлаганини таъкидлаш ўринлидир.

МДҲ мамлакатлари ижтимоий соҳада кенг қамровли ҳамкорликини ривожлантириш орқали халқлар ва ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш имкониятига эга. Бу илм-фан ва таълим, маданият ва санъат, спорт ва сайёҳлик, соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги алоқалар учун қўшимча қўлайликдир. Қозон саммити атрафисада Россия ахборот агентликлари келаси йилнинг баҳорида илк бор МДҲ мамлакатлари ижодий ва илмий доираларининг форуми ўтказилиши ҳақида хабар тарқатди.

Қозон саммитида президентлар бу ташаббусни қўллаб-қувватлашни билдирдилар. Бугунги кунда МДҲнинг мана шундай катта имкониятлари эътибордан бироз четда қолиб, Ҳамдўстлик доирасида амалий ишдан кўра, кўпроқ сиёсий баҳсга берилиш ҳоллари кузатилмоқда. Айрим мамлакатлар МДҲни ривожлантиришдан ҳам унинг ичида янги-янги ташкилот тузилмалар тузиш ҳақида кўп қайғуради. Баъзилари овоза бўладиган, лекин амалда самара бермайдиган ташаббусларни илгари суради. Табиийки, бундай ҳаракатларни ҳар бир мамлакат ўзича қабул қилади. Кейин баҳс-мунозаралар бошланади.

Мутахассис ва кузатувчиларнинг фикрича, МДҲнинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзоларнинг манфаатларига тўғри ёндашгандагина Ҳамдўстликнинг истиқболли порлоқ бўлади. Бошқача айтганда, аввало барча аъзо давлатлар манфаатларига мос келадиган масала ва мавзунини кўтариш, кейин ҳамманинг бу масалага муносабатини инobatга олиш керак.

Ҳарбий-сиёсий блоklar тузиш борасидаги ҳаракатлар ҳам вақтний зое кетказишдан ўзга нарса эмас. Ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий муқоффа доктринаси, қуроли кучларни тақомиллаштириш стратегияси бор. Ҳарбий-сиёсий блоklar эса миллий доктрина ва стратегияларнинг муайян қисмига зид келиши мумкин.

Шундай қилиб, Қозон саммитида МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари Ҳамдўстлик фаолиятини яна бир бор жиддий танқидий назардан ўтказиб, унинг истиқболига оид фикрларини баён этдилар.

МДҲнинг тақдирини ҳақидаги фараз, тахмин ва баъшоратларнинг ҳақиқатга қанчалик яқин-йироқлиги аён бўлди.

Аввало, таъкидлаш керакки, МДҲ ўз аъзолари учун фойда келтиришга қурби етадиган ташкилот эканлиги бир овоздан тасдиқланди. Зеро, қўрилайтган масалаларга турлича қарашлар мавжуд эса-да, тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш, кенг қўламли ҳамкорлиқни ривожлантириш каби умумий мақсад ва вазифалар ҳам таъаллиқина. Бу кейинги ҳаракатлар учун яқши асос бўлади. Шу боис бир-бирдан узоқлашиш эмас, амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш зарурлиги борасида президентларнинг фикри бир жойдан чиқди. Бунинг учун интеграциянинг янги моделини ишлаб чиқишга келишиб олинди. Айна пайда баҳс-мунозаралар мавжуд бўлиши табиийлиги, лекин тортишувлар муайян самара бериб келётган соҳаларни оқсатиб қўйишидан эҳтиёт бўлишга эътибор бериш кераклиги қайд этилди.

Саммит якунида ўзаро келишилган чегара сиёсатининг концепцияси, ташқи чегараларда инқирозли вазиятлар юзага келганда ва уларни бартараф этишда чегара хизматлари ва бошқа идораларнинг ҳамкорлигини ташкил қилишга оид низомни тасдиқлаш тўғрисидаги протокол, ноқонуний муҳожирликка қарши кураш бўйича 2006-2008 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, террорчилик ва экстремизмнинг ёвуз қўришишларига қарши кураш бўйича 2005-2007 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, олий молиявий назорат органлари раҳбарларининг давлатлараро кенгаши тўғрисидаги протокол имзоланди. Президентларнинг Қозон шаҳрининг 1000 йиллиги муносабати билан баёноти қабул қилинди. Ҳамдўстликнинг кейинги саммитини Беларус пойтахти Минск шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

МДҲнинг Қозон саммитидан олдин унинг истиқболли ҳақида гоҳ кўтаринки, гоҳ тушун қайфиятдаги кўп фикрлар билдирилди. Олий даражадаги ушбу учрашув ва унинг натижалари эса Ҳамдўстлик ўзининг куч ва имкониятларини тўлароқ ишга солишга йўналтирилган ислохотлар йўлига қадам қўйганидан далolat бермоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент-Қозон-Тошкент.

Мустақиллик невалари



ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЭНГ САНОАТЛАШГАН ТУМАНЛАРИДА БИРИ ХИСОБЛАНГАН ҲАМЗА ТУМАНИ 1968 ЙИЛДА ТАШКИЛ ТОПГАН БЎЛИБ, БУГУНГИ КУНДА УМУМЙ МАЙДОНИ 3366 ГЕКТАРНИ ТАШКИЛ ЭТГАН УШБУ ХУДУДДА 69197 ТА ОИЛАГА БИРЛАШГАН 206600 АҲОЛИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ.



ҲАМЗАЛИКЛАР ИҚБОЛИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Мавжуд 53 та маҳаллада кексаю ёш бир мақсад йўлида — туманни шахримизнинг обод масканига айлантириш, эл-юрт фаровонлигини ошириш зғуу ниятида яшамокда ва меҳнат қилмоқда.

Бежизга туманни санотлашган туман деб айтмадик. Чунки пойтахтдаги жами санот мажмуасининг 35 фоизга яқини мана шу туманга тўри келади. Бу ҳақда тўхталар эканмиз, албатта туман иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган, ўзларининг рақобатбардош маҳсулотлари билан нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам танилаётган "Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти, "Тошкент ёғ-мой комбинати", "Подъёмник" акциядорлик жамияти, "Фарм-глас" қўшма корхонаси ва бошқаларни мисол келтириш лозим. Бугунги бозор талабини чуқур ўрганаётган ушбу корхоналарда ишчи-хизматчиларга мустақиллик йилларида яратилаётган меҳнат ва дам олиш, спорт билан шуғулланиш шароитлари натижалари ютуқларда яққол акс этмоқда.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган ярмида санот маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 123,2 миллиард сўми ташкил этиб, ўтган йил шу даврига нисбатан 110,4 фоизга орди, шу жумладан 49,8 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, 123,7 фоизга ошди.

84,3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинишига эришилди. Хорижий давлатлар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналарнинг сони 14 тага орди. Ҳукуматимизнинг тадбиркорликка қаратилган катта эътибори туманда ҳам ёрқин аксини топиб, тадбиркорлик субъектлари сафи кенгайди, уларнинг ялғи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши кўпайди. Ўтган ярим йилда 233 та кичик корхона, 800 та яқка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият бошлаши 1462 та янги ишчи ўринлари яратилишини таъминлади.

Сиҳат-саломатлик йилида туман аҳолиси саломатлиги йўлида хизмат кўрсатётган поликлиника, шифохоналарни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашга, шифокорлик малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшлар — келажикимиз, умид чечакларимиз. Буни дилдан ҳис этган ҳамзаликлар уларнинг билим олишларида, касб-ҳунар эгаллашларида соғлом ва баркамол ўсишларида шарт-шароитларни яратишга гамҳўрлик кўрсатишмоқда. Туманда 1 та институт, 4 та коллеж, 1 та академик лицей, 30 та умумтаълим мактаби, 46 та мактабгача таълим муассасасида мустақиллик йилларида ўзига хос ишлар амалга оширилмоқдаки, бу йилги-қизларнинг келажак йўлларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. Тумандаги 61, 77- мактаблар жорий, 149-ўрта мактаб эса капитал таъмирдан чиқарилди. 1200 ўқувчига мўлжалланган ушбу мактаб қайта чирой очди, замонавий жиҳозларга эга бўлди.



Туманда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари хусусида тўхталар эканмиз, аввало мустақиллик йилларида ушбу ҳудудда 100 дан зиёд кўп қаватли уйлар қад ростлаганини айтмоқ жоиз. Маҳалла гузарлари бунёд этилди, қайта таъмирланди. Жорий йилда фойдаланишга топширилган ихтисослашган футбол интернати, "Авиасозлар" спорт мажмуаси, теннис корти туман ёшларига аjoyиб байрам тухфаси бўлди.

Ҳамза бозорларининг ҳам таърифи ўзига хос. Бу борада қайта қурилган "Авиасозлар", "Паркент" бозорларини мисол келтириш жоизки, бу масканларда сотувчи ва харидорларга яратилган қулайликлар намунали хизматта муҳим ҳисса қўшмоқда.

Президентимизнинг "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятларини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда кўп қаватли турар-жой биноларида эътибор кўчади. Натижада ширкатлар сони 2,5 баравар ортиб 85 тани ташкил этди ва яшовчиларда ўз уйларида мулкдорлик ҳисси шаклланиб, яшаётган масканларини авайлаб-асрашга аҳамият беришмоқда. Уйларнинг йўлақларидаги таъмирлаш ишлари, ҳовлилардаги батартбилки, болалар майдончаларидаги қулайлик кўпчилики мамнун этмоқда. 2006 йилда эса 1991 йилгача қурилган турар жой биноларини капитал таъмирлашни ниҳоясига етказиш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик энг улғу неъмат эканлигини дилдан ҳис этаётган ҳамзаликлар ободликка, фаровонликка интилишмоқда. Бу борада уларга хамиша яхши ниятлари, ғайрат-шижоатлари йўлдошдир. Зеро, бугунги ҳаракат эртанги истиқболдир.

Шарифа ИЛЁСОВА



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

• Япония бош вазири Жу-нитиро Коидзуми амалдаги коалиция бўлажак сайловларда голиб чиққан тақдирда ҳам ўз лавозимида қолмоқчи эмас. Бу ҳақда журналистларга Коидзуми раҳбарлигидаги Либерал-демократик партия вакили расман маълум қилди.

• ЮКОСнинг асосий банк кредиторлари компания "Роснефтьгаз" назоратида ўтадиган бўлса, қарзларнинг қайтарилишини талаб қилишяпти. "Роснефтьгаз" ЮКОС мабодо инқирозга юз тутадиган бўлса компаниянинг асосий кредитори бўлишга интиляпти. "Рейтер" ахборот агентлигининг хабарида тахқидланишича, банкирлар даъво аризаси билан Амстердам судига мурожаат қилишган. Тахмин қилинишича, суд ҳукми 6 haftaдан сўнг эълон қилинади.

• Индонезия ҳукумати мамлакат шимолдаги Ачех музофотидан кўшинларини олиб чиқишга киришди. Бу қарор "Озод Ачех ҳаракати" деб номланган айирмачи гуруҳ билан тузилган битмига кўра қабул қилинди. Дастлабки босқичда 1300 нафар ҳарбий хизматчи олиб чиқилмоқда. Ушбу жараён Осиё ва Европа мамлакатларининг 250 нафар вакили кузатувида амалга ошириляпти.

• Россияда бўлиб ўтаётган "МАКС-2005" авиация-космик халқаро кўргазмаси якунида рекорд даражада молявий шартнома имзоланди. Кўргазмада имзоланган шартномалар ва дастлабки келишувлар миқдори 4 миллиард долларни ташкил қилмоқда. Кўргазма ташкилотчилари берган маълумотда айтилишича, самолётлар намоишига бутун дунёдан 650 минг нафар киши ташриф буюрди. Салонда 42 та мамлакатдан келган самолётсозлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди. Халқаро кўргазмада Ўзбекистон вакиллари муваффақиятли қатнашдилар.

• Мисрнинг қурорт шаҳарларидаги қатор терактлардан сўнг мамлакат хавфсизлик ишлари Синай оролида террорчиларни топиш ва ҳибсга олиш бўйича жуда катта миқдосли амалиётлар бошланди. Ушбу жараёнга икки мингдан зиёд маҳсус хизмат вакиллари, ҳарбийлар ва полиция ходимлари, шунингдек бир қанча зирҳли танк воситалари жалб қилинган.

• Россиянинг "Домодедово" халқаро аэропорти оператори "Ист лайн" мазкур аэропорт хавфсизлик тизимини такомиллаштириш учун 20 миллион доллар ажратди. Ушбу маблағ йўловчилар ва уларнинг юкларини текшириш ишини автоматлаштириш мажмуасига сарфланди.

• Исроил армияси ва полицияси Фазо ҳудудидаги сўнги аҳоли пункти — Нецарим аҳли эвакуациясини ниҳоясига етказди. Нецарим синагогидаги кўчирилётганлар ва аскарлар иштирокида ўтказилган ибодатдан сўнг, бу ердаги охири одамлар ҳам автобусларга ўтириб, Қуддус томон жўнаб кетишди.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб доно бўлар...

• Қитъа:
Ноғора даранглар
тинимсиз вале,
Ичи бўшдир,
бундан нима
фойда бор?
Ақлинг бўлса
ишнинг тагини
ўйла,

Ялтироқ ташига
қилма эътибор!

• Азизим, сен душман
сўзига дарҳол ишониб қўя
қолма, унинг сўзлари ҳийла
ва алдовдан иборат бўлиб, у
ўз мақсадига эришиш учун
ўзини ниҳоятда мулоийм
қилиб кўрсатади. Сени гаф-
латда кўрғач, тadbир ўқини
мақсад нишонига уради. У
пайтда сен учун чора-tadbир
кўриш фурсати ўтган бўлиб,
ҳасрат ва надомат ёрдам бер-
майди. Чунончи айтдилар:

Душман иши аввал
хийла-ю найранг,
Сўнг хужум бошлайди
қилади гаранг.

Бу селнинг йўллари
тўсилмаса гар,
Юзланар бехисоб
фитна-ю зарар.

Фитна йўлин бугун
тўсмасанг маҳкам,
Эртага кучаяр
бўлиб мустаҳкам!

• Айтдилар:

— Ақли одам етти хил
киши билан ўзаро маслаҳат-
лашмайди. Улар нодон, душ-
ман, ҳасадчи, ёлгончи,
кўрқок, бахил, нафсига бер-
рилган кишилардир. Чунки
нодон йўлдан адаштиради:

Хар киши ўз
ақлидан огоҳ бўлар,
Ўзидан гумроҳ бўлар!
Душманинг эса сенинг зар-
рар топишингни ўйлайди.

Хар киши ўз
душманини
кучсиз санар,
Бир кун кучли
зиёнидан ёнар!


Ҳасадчи эса бор-шудинг-
дан ажралишингни истайди:
Ким ҳасад қилса
бировнинг молига,
Охири бўлғай анинг
вой холига!

Ёлгончи эса фикрингни
бузиб кўрсатади:
Кимки ёлгон
сўзласа ризқи кетар,
Бир кун ёлгон
сўзи бошга етар!

Кўрқок эса дадилликдан
қайтаради. Бахил эса бойлик
тўплашга ҳаридсан бўлади
ва ундан бировга фойда ет-
майди:

Молу холинг
аслида душман эрур,
Зоҳиран боқсанг
неча равшан эрур!
Нафсига берилган киши
хою хавасинг асрини билиб
нафс тўридан қутулишга кучи
етмайди:

Меҳнатинг бирла
нафсга бер жазо,
Қилмасин токи
балога мубтало!



Август кенгашлари

ИЖОД — ТАЪЛИМГА ҚАНОТ

Педагоглар жамоаси муваффақиятга эришишида мактаб директорининг хиссаси катта. Хар бир раҳбар ҳам ўз вазифасини удралай оляптими? Замо- навий бошқарув тизими қандай бўлмоғи керак? Раҳбарлик амал курсисими ёки маҳорат?

Ушбу саволларга Юнусобод туманида- ги 17-мактабда ўтказилган семинар-тре- нинг машғулотида жавоб изланди ва маъ- лум хулосага келинди.

Семинар-тренингда Шаҳар педагог хо- димларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти проректори Ш.Пўла- тов, Халқ таълими бош бошқармаси вакил- лари, Халқ таълими бўлими мутахассис- лари ва мактаб директорлари иштирок эт- дилар. Тошкент Давлат педагогика уни- верситети инновацион технологиялар ка- федраси катта ўқитувчиси Равшан Эшму- ҳамедов ва Ўзбекистон Миллий универ- ситети ўқитувчиси Хилола Некқадамбое- валар иштирокчиларни кичик гуруҳларга ажратиб, тренинг машғулотларини олиб боришди. Гуруҳ ишлари тақдимида Э.Ян- барисова (43-мактаб), М.Салимова (97-мактаб), И.Токарева (86-мактаб), Р.Ҳикматов (96-мактаб), С.Маҳкамов (274- мактаб), М.Кўзибоева (258-мактаб)лар фаол қатнашиб, раҳбар учун маҳорат, қобилият, ўқиб-ўрганишдан чарчамаслик, ижодкорлик зарур эканини таъкидлашди. Семинар-тренинг йиғилишидан кейин-

ги кунда «Зарафшон» кино-концерт зали- да Юнусобод тумани халқ таълими ходим- ларининг аъсанавий удралай оляптими? «Ижод — таълимга қанот» мавзусида бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Республика Таълим марказидан вакиллар иштирок этишди.

Анжуман аввалида туман мактабларида ўқув йили мобайнида олиб борилган иб- ратли таълим-тарбия ишлари, Юртбоши- мизнинг 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ганиева билан мулоқоти, 97-мактабда таш- қил этилган Ахборот-ресурс маркази фа- олияти ҳақидаги ҳужжатли фильм намой- иш қилинди. Фильмдаги ютуқлар барча- нинг қайфиятини янада кўтариб юборди. Сўнгра Юнусобод тумани ҳокими Равшан Пўлатов ва Тошкент Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абду- манноп Собиров иштирокчиларни қўшалоқ байрам — Мустақиллигининг 14 йиллиги ва Билимлар кунин билан кут- лади.

Туман халқ таълими бўлими мудирини Маъсуда Одилова, «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат

муммиллий дастури тўғрисида»ги Фар- моннинг амалдаги ижроси, 2005-2006 ўқув йили вазифалари, ўтказилган шўба йи- гишлиларининг яқини, кадрлар масаласи ҳақида тўхталиб шундай деди:

— Туман ҳокимлиги мактабларни обо- донлаштириш ишига катта хисса қўшаёт- ганидан мамнунмиз, — деди мудира. — Биргина 220-мактабга 68 миллион сўм, 239, 240-мактабларга 15 миллион сўмдан маблағ ажратиб беришди. Албатта, ўқитув- чи ва ўқувчиларимиз ҳам кўпгина ютуқ- ларга эришиб бу эътиборга муносиб жа- воб қайтармоқдалар. Фан олимпиадалари- да совриндорларимиз кўп. Айни вақтда мудира мактаб раҳбарлари кадрлар кўним- сизлиги масаласига алоҳида эътибор бе- риш зарурлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Анжуманда «Асл мактаб» «Изланувчан раҳбарлар», «Борлигингиз — бойлигимиз», «Олимпия юлдузларининг мураббийлари», «Замонавий раҳбар», «Ибратли маскан», «Чаманзор боғбонлари» номинациясини қўлга киритган ижодкор ўқитувчилар, спорт усталари, тadbиркор, изланувчан тажрибали ва ёш директорлар пул му- кофотлари топширилди.

Тadbир сўнггида таниқил санъаткорлар ижросидаги қўшиқ ва рақслар анжуманга алоҳида файз бағишлади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА СУРАТЛАРДА: Юнусобод тумани халқ таълими ходимларининг август кенгашларидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ АЗИЗ ФУҚАРОЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бар- ча фуқароларни диёримиз Мустақиллигининг 14 йиллик кутлуг айёми муносабати билан қизгин мурабракбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги бай- рамини нишонлаш жараёнида жамоат тартибини сақлаш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2005 йил 31 август кунин соат 13.00 дан то 22.00 гача барча турдаги транс- порт воситалари ҳамда пидедалар ҳаракати куйидаги кўчалар- да вақтинча чекланиши кўзда тутилганлигини маълум қилади:

- Халқлар Дўстлиги кўчаси — Муқимий кўчасидан А.Хўжаев кўча- сига қадар;
- А.Хўжаев кўчаси — С.Дарвоза кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар;
- Ўзбекистон кўчаси — Х.Дўстлиги кўчасидан Абай кўчасига қадар;
- Бобур кўчаси — Б.Бобоев кўчасидан М.Ғофуров кўчасига қадар;
- М.Ғофуров кўчаси — Бобур кўчасидан Олмазор мавзесига қадар;
- Т.Тула кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан М.Ғофуров кўчасига қадар;
- Фурқат кўчаси — М.Ғофуров кўчасидан А.Навойий кўчасига қадар;
- Ғ.Ғуллом кўчасидан тоннелга кириш йўли;
- Зарқайнар кўчасидан тоннелга кириш йўли.

Ушбу ёпилган кўчаларда жамоат транспорт воситалари қатнови уларга параллель кўчалар орқали ташқил этилади.

Шу кунин соат 15.00 дан 22.00 гача метронинг «Ешлик» бекатининг тўлиқ ёпилишини, ҳамда «Халқлар дўстлиги» бекати Х.Дўстлиги номида сарой томонининг ёпиб қўйилиши кўзда тутилмоқда.

2005 йил 1 сентябрь кунин Ўзбекистон Миллий боғи, Алишер На- воний мажмуаси, Халқлар Дўстлиги саройи, Хадра, Мирзо Улуғбек ёдгорлиги ва Алишер Навоний номидаги театр майдонлари, Сайилгоҳ кўчаси, Амир Темур хиббони, А.Икромов, М.Улуғбек, Бобур, Ғ.Ғуллом, Фурқат, А.Қодирий истирожат боғлари, Авиасозлар ва «Муслиқ ола- ми» саройлари, Ибн Сино гузари майдони, «Сергели» дам олиш мас- кани, Қрасниқий номидаги стадионга туташ кўчаларда халқ сайли вақтида вазият тақозо этганда транспорт воситаларининг қатнови вақ- тинча тўхтатилиши мумкин.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ

Мунажжим башорати

30 АВГУСТ, СЕШАНБА
Мунажжимларнинг фикрича, сайёраларнинг қулай жойла- шишларидан фойдаланиб қол- моқчи бўлганлар шошилишлар- ни керак бўлади. Зеро, Ой йўналишиш ҳолатга кириши билан хар қандай ишни бош- лашдан наф бўлмайди.

Соат 10.23 дан кечаси 23.00 гача (Ой йўналишиш ҳолатда бўладиган вақтда) муҳаббат ёки кимор ўйини билан боғлиқ қандайдир шубҳали ишга аралашиб қриш эҳтимоли бор. Қон босими ошишидан азият чекув- чи кишилар унинг олдини олиб, бугун шифокор тайинлаган дори-дар- монларни истеъмол қилишлари ке- рак. Чунки келгуси уч кун давомида юрак-қон томирлари тизимига ор- тичка юк тушади. Кун-куватингиз- ни ўйламай сарфлаш ноҳус ҳолат- ларга олиб бориши мумкин. Бугун сукут сақлаган маъқул, дейишда мунажжимлар. Айниқса шу кунин та- валлуд топганлар бу маслаҳатга амал қилишлари керак.

Елгон гапириши, гийбат-игво билан шуғуллиниш ўзингизга зарар келтиришидан огоҳланишимиз. Кўпгина сирлар бугун ошқор бўли- ши мумкин. Бугун одамлар бундай нуқой ахволга тушиб қолишлари ҳеч гапмас.

Тасодифан устингизга сув тўки- либ, шалаббо бўлишингиз — қўмак ва ҳимоя олишингизга ишора.

Бу кеча умуман туш қормаганин- гиз маъқул — айнан шу кеча кўпгина тушлар кимларнинг ҳаётига

сўнгги нуқта қўйилишидан хабар беради. Лекин ўзингизнинг ёлғир- да қолганингизни кўришингиз, по- клианиш ва ҳимояга эга бўлишингиз- га ишора бўлади.

Тушда ҳашаротни кўриш — но- ҳушлик аломати. Лекин сув билан боғлиқ барча тушлар — қайиқда су- зиш, қўмилиш, балиқ тутиш, кўприк- дан ўтиш — ҳаммаси яхшилиққа.

Жарроҳлик операциялари ва тиш олдиришни бугунча тўхтатиб турган маъқул. Ошқозон ва юрак-қон томи- ри тизимини эҳтиёт қилинг.

Кийим кийишда яшил ва юлғун ранглар раҳоманлигидаги либос- ларни танлаганингиз маъқул. Қора ва сийҳранг либослар бугун номат- лубдир.

БУГУН:
— катта куч талаб қилмайдиган ишлар билан машғул бўлиш;
— ҳамма қулайликларини яратиб, оила даврасида дам олиш;
— хар қандай муаммоларни те- лефон ёки бошқа алоқа воситалари орқали ҳал этиш;

— муҳим ҳужжатлар, шартнома- лар, контрактлар билан шуғуллиниш;
— олижаноблик ва меҳр-оқибат кўрсатиш;
— яхши фильмни томоша қилиб, бадий китоб ўқуш тавсия этилади.

Мурақаб ва оғир иш билан шу- гуллиниш, ўқарларча бир фикрда ту- риб олиш, буйин ва орқанингизда орғиқ аломатларига бегарво бўлиб, тиш оғригига чидаб туриш, шифо- корлар боришни орқага суриш хавф- хатардан ҳоли эмас.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Буюртма Г-709.

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2496 нускада босилди. Қотоз биниши А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан руйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўдамларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-03 телефонига муросалат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

8

1 2 3 4 6